

1941ЙИЛ. ЭРМИТАЖ: НАВОИЙНИНГ 500 ЙИЛЛИГИМИ ЁХУД “АМИР ТЕМУР” ОПЕРАЦИЯСИ...

(С.П.Варшавский ва Б.Рестнинг «Эрмитаж жасорати» хужжатли қиссаси асосида)

Шукурова Зилола Содиковна,

Самарқанд давлат чет тиллар институти
Кўшма таълим дастурлари кафедраси
катта ўқитувчиси

Аннотация: Соҳибқирон Амир Темурнинг 1941йил июнь ойида собиқ Совет Иттифоқида матбуотнинг бош мавзусига айланиши –Алишер Навоийнинг 500–йиллик юбилейини ўтказиш режасининг бир қисми эканлиги тарихий ҳақиқатга қанчалар тўғри келади? Ёки юбилей режаси пухта ўйланган сценариймиди?

Мазкур мақолада С.П.Варшавский ва Б.Рестнинг «Эрмитаж жасорати» хужжатли қиссаси асосида, тарихга экскурс қилиш –Самарқандда Амир Темур ва темурийлар даҳмасининг очилиши ҳақидаги фактларни бошқа манбалар билан қиёслаш, экспедицияда бевосита иштирок этганларнинг билдирган фикрларини жамлаб, Темур ҳақида тарқалган мифлар ҳақиқатининг бадиий ечимини топиш мақсад қилинди.

Шунингдек, Амир Темур асос солган цивилизацияда шаклланган Навоий даҳосининг доврўғи ҳеч қайси даврда сўнмаганлигига эътибор қаратилди. Бунинг исботи сифатида қамалда қолган Ленинград (Санкт–Петербург)да Эрмитажнинг совуқ залларида бир гуруҳ фидойи олимлар, шоир–таржимонлар, маданият ходимлари томонидан Алишер Навоийнинг 500–йиллик юбилейи ўта оғир шароитларда (гарчи бу “Темур операцияси” сценарийсининг ҳақиқатини ниқоблаш қисми бўлсада) алоҳида тайёргарлик билан нишонлангани деталларига эътибор қаратилди. Зеро, Алишер Навоийнинг (шунингдек, Низомийнинг ҳам) юбилей тантаналари илм–фан ва шеърят байрами сифатида нишонланиши инсоният келажасига таҳдид солган фашизмга қарши маънавий исён эканлигини бугунги ёш авлодга кўрсатиш муҳимлиги эътироф этилди, Навоий ижодининг қиёсий тадқиқи, таҳлил ва тарғиботи долзарб вазифа сифатида белгиланди.

Таянч сўз ва иборалар: уруш, «Эрмитаж жасорати», “Темур операцияси”, Гўри Амир мақбараси, Навоийнинг 500 йиллик юбилейи.

«Эрмитаж жасорати» – С.П.Варшавский ва Б.Рест (Юлий Исаакович Шапиро) ҳамкорлигида ёзилган хужжатли қисса –Иккинчи жаҳон уруши йилларида дунёнинг энг нуфузли музейларидан бири Эрмитажда санъатни, маърифатни келажак авлод учун асраб қолишни ўзларининг бурчи ҳисоблаб, бебаҳо коллекцияларни Свердловскка эвакуация қилиш учун тахлаш, суратлар ва бошқа санъат объектларини яроқсиз ҳолга келиб қолишдан асраш учун зарур шарт–шароитларни яратиш мақсадида блокада шаҳарда қолган таниқли олимлар, музей ходимларининг юксак ватанпарлиги, букилмас иродаси, ўз касбига бўлган муҳаббати ва садоқати ҳақида ҳикоя қилади. [1.]

Китоб муаллифлари –Сергей Петрович Варшавский(1906–1980), рус совет ёзувчиси ва коллекционерни ҳамда Юлий Исаакович Рест –Шаро (1907–1984), драматург, журналист, ёзувчи ва сценарист ҳамкорликда яратган хужжатли асарлари Эрмитаж музейи XVIIIаср Екатерина II томонидан

яратилганидан бошлаб, то XX аср ўрталаригача, Иккинчи Жаҳон урушининг тугашигача бўлган даврда қандай бўлганлигини ёритиб беради. “Аврора” нашриёти «Эрмитаж жасорати» повести асосида блокада йилларида Эрмитаж тарихи ҳақидаги учта иллюстратив альбомни (“Saved for humanity”, “The ordeal of the Hermitage”, “Подвиг Эрмитажа”) чиқаради. [2]

«Эрмитаж жасорати» бадийлаштирилган ҳужжатли повесть сифатида аллақачон китобхонлар қалбидан жой олган. Мақоладан мақсад, повесть талқини эмас, балки тарихга янгича экскурс, беш аср ўтиб, мозийдан ташриф буюрган ва тарих ғилдирагини ўз измида бир муддат тутиб туришга муваффақ бўлган икки буюк зот – Амир Темур ва Алишер Навоий даҳоси тўғрисида мулоҳаза юритамиз.

“Темур операцияси”

С.П.Варшавский ва Б.Рестнинг «Эрмитаж жасорати» ҳужжатли қиссасининг илк саҳифаларидаёқ Иккинчи жаҳон уруши арафасида Эрмижада олиб борилган қатор ишлар бевосита иккита оламшумул тарихий воқеа билан боғлиқ тарзда баён этилади:

Биринчи воқеа 1941 йил июнь –Самарқандда Амир Темур ва темурийлар даҳмасининг очилиши бўлса, иккинчи воқеа – собиқ СССР ҳудудларида Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши эди. Муаллифлар бу воқеа тасвирига драматик тус берар эканлар, “Худосизлар мамлакатида” қонли уруш бошланишига гўё Тимурнинг жонсиз бош чаноғи айбдор қилиб кўрсатилгандек тасаввур уйғонади:

“1941 йил июнь ойининг ўрталарида, “Улуғ Ватан уруши” арафасида бирдан газеталарнинг бош саҳифаларига қалқиб чиққан “Темур”, “Темур ва темурийлар” мавзуси тобора омманинг диққатини торта бошлади. ТАСС (Совет Иттифоқининг телеграф агентлиги) махсус мухбирлари телеграф, телефон алоқалари линиялари орқали Темур ҳақида кетма -кет маълумотлар бериб борар, “Темур”, “Темур ва темурийлар” номлари тинимсиз эфирда янграрди. Матбуотнинг бош мавзусига айланган Темурнинг номи тўхтовсиз такрорланган ҳафта охирида Совет Иттифоқига Гитлер кўшинларининг ҳеч қандай огоҳлантиришсиз бостириб кириши билан якун топди...”.

“Ўрта асрлар ёвуз босқинчиси Темурнинг номи июнь газеталари саҳифаларига машъум соя солишининг сабаби – Темурнинг замондоши гуманист шоир Алишер Навоийнинг 500–йиллигини нишонлаш учун советлар мамлакатида анча илгарироқ, 1941 йилнинг баҳоридан бошланган катта тайёргарлик ишлари билан боғлиқ эди”, –дея сохта мулоҳазани илгари суришади китоб муаллифлар.

Парадокс шундаки, уруш бўлмаганида, балки Тимурга бундай “тавқи лаънат” ёзилмас, “Навоийнинг 500йиллиги” сценарийсининг орқа фониди “Тимур операцияси” тинчгина амалга оширилаверар эди. Зеро, бу операция аслида енгилмас жаҳонгир шахсиятини, унинг моддий меросини ўрганиш ва талон–тарож қилишга бўлган қизиқишнинг тобора кучайиб бориши натижасида анча илгари бошланган эди. Гўри Амир мақбарасида археологик қазилма ишларини олиб бориш бўйича ҳукуматнинг махсус экспедицияси тайинланган бўлиб, экспедициянинг мақсади — Амир Темур қабрини аниқлаш ва ўрта асрларда яшаб, фаолият юритган Темур ва темурийлар сулоласини илмий асосда текшириб, ўрганиш, деб кўрсатилган эди. Унга бошлиқ қилиб олим ва жамоат арбоби Қори Ниёзов тайинланади, Гуруҳга тилшунос олим А.А.Семёнов, антрополог олим М.М.Герасимов, таниқли ёзувчи С.Айний, бош оператор сифатида Малик Қаюмовлар киритилган.

М.Герасимов “Темурланг портрети” мақоласида 1941йилнинг май–июнь ойларида Гўри Амир мақбарасида олиб борилган қазилмаларда темурийлар хилхонасида беш кишининг қабри очилганини тасдиқлайди: Темурнинг ўғиллари Шохруҳ ва Мироншоҳ, неваралари Улуғбек ва Муҳаммад–Султон ҳамда Амир Темур қабри. Синчков олим Темур скелетининг ҳолатига эътибор қаратади: “оёқларини ёйиб, қўлларини узатган ҳолда чалқанча ётар, боши ўнг ёноғи томон бурилган, юзи Макка томонга қараган...”[3]

Шундай қилиб, Герасимов Москвага олиб кетилган бош суякларини краниологик усулда ўрганиб, жуда қисқа вақт ичида Темурнинг ҳақиқий портретини яратади.

Экспедиция ишини тасвирга олган Малик Қаюмов(1911–2010), ўзбек ҳужжатли киносининг асосчиларидан бири, 1941йил июнь ойида Самарқандда ўтказилган “археологик операция”нинг гувоҳи сифатида кейинчалик ўз хотираларида шундай ёзиб қолдиради: “...қабрни очиш ишлари 17 июнь куни бошланган. Шохруҳ ва Улуғбек қабрлари биринчи бўлиб очилган. Темурнинг қабрини очишга 21июнда киришилди. Унинг қабртошида ёзилган ёзув ҳаммани ларзага солди: “Ҳамма нарса ўткинчи, буюклик ҳам, шон–шараф ҳам. Хоқимизни безовта қилганларга жазо муқаррар.” [4]

Қабртошда муҳрланган тавқи лаънат ҳақида маҳаллий аҳоли орасидан ноъмалум ёши улуғ кишилар аллақандай “Жангнома” китобини олиб келиб кўрсатгани ва экспедиция аъзоларини огоҳлантиргани ҳақида Садриддин Айнийнинг ўғли Камол Айний ўз кундалигида қайд этган. (ўша пайтда у 13 яшар бола бўлган ва отаси билан бирга экспедицияга келиб турган. Айтиш лозимки, у М.Қаюмовнинг баъзи гапларини рад этади.) [5]

Афсуски, бу огоҳлантирувчи чақирик ва яна Малик Қаюмов учун сирлигича қолган ўша куни мўйсафид чоллар кўрсатган арабча китобдаги башорат, иш жараёнидаги бошқа тўсиқлар ҳам экспедиция ишини тўхтата олмаган. Ўша куни тунда меҳмонхонада экспедиция аъзоларининг уйқуси қочади. Инглиз тилини сал-пал тушунадиган корейс йигит (Малик Қаюмовнинг олган суратларида бор) оламшумул янгиликдан дунё хабар топганмикан, у ҳақда нималар дейишмоқда, шунини билиш учун радио қулоғини бураб, радиотўлқинларни тута бошлайди, тасодифан, инглиз тилида Гитлер советлар мамлакатига уруш бошлагани ҳақидаги хабарни эшитиб ранги оқариб кетади. Малик Қаюмов вақт алламаҳал бўлишига қарамай, Усмон Юсуповга телефон қилганида, уруш ҳақидаги хабар ҳали Москвадан келмаган эди. Тасодифни қарангки, уруш бошланганини биринчи бўлиб Самарқандда, айнан Темурнинг хокига оёқ қўйганлар эшитади...

Аммо энди кеч эди. Темурийлар хилхонаси (3 кишининг)бош чаноғи зудлик билан Москвага олиб кетилди. Эртаси куни Малик Қаюмов Регистон майдонида урушга сафарбар этилган минглаб самарқандликлар қизил байроқни ўпиб қасамёд қилаётган тарихий сахнани суратга муҳрлайди. Ҳарбий оператор сифатида урушга кетган Малик Қаюмов Темур дахмасида рўй берган ғайриоддий воқеалар ҳақида юқори инстанцияларга хабар беришни ўзининг бурчи деб билди. Ржев яқинида у фронт қўмондони маршал Жуков билан учрашишга муваффақ бўлади, унга Темур қабрининг очилиши билан боғлиқ ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни сўзлаб беради. Г.Жуков бу ҳақда олий бош қўмондонга етказишини ваъда беради ва сўзининг устидан чиқади. Сталин ўша заҳоти Темур скелетини қайта дафн этиш ҳамда мақбарани тиклаш ҳақида буйруқ чиқаради ва бунинг учун 1943 йилнинг ёзида 1 миллион рубл (қашшоқ совет ҳукумати учун оғир уруш йилларида жуда катта миқдордаги маблағ эди бу!) ажратилади. Темур ва унинг яқинлари тўлиқ ҳурмат билан дафн қилинади. Орадан кўп ўтмай Қизил Армия Сталинградда биринчи йирик ғалабани қўлга киритади.

Хўш, “Темур операцияси”дан аслида қандай манфаатдорлик кўзда тутилган эди?

Россиялик таниқли журналист, телебошловчи, ёзувчи Игорь Оболенскийнинг Малик Қаюмов билан бўлган суҳбатидан: “...умуман қабрни очиш ғояси даставвал совет, ўзбек археологи ва тарихчи— шарқшунос олим, академик М.Е.Массоннинг хаёлига 1926 йилда келган. Темур мақбарасида аниқланган аллақандай парамагнит ҳодисалар, эшитиш мумкин бўлган ғалати товушлар уни қизиқтириб қўяди. (Темур хилхонасида ҳақиқатдан ҳам кучли биомайдон мавжудлиги аниқланган) Аммо ўша даврда М.Е.Массоннинг юқори ташкилотларга қилган мурожаати жавобсиз қолади, чунки совет ҳукуматида бу

ходисани чукур илмий текшириш учун етарли маблағ ажратишнинг имкони бўлмаган. 1941йил маблағ топилганида, М.Е.Массон экспедицияда қатнашишдан бош тортади –бунга биринчидан, унинг соғлиғи жойида эмаслиги ва иккинчидан, экспедиция ишида ҳамма нарса илмий нуқтаи назардан ўта нопрофессионал тарзда ташкил этилгани уни қониқтирмайди. Йиллар ўтиб, тушунишимча, дейди Малик Қаюмов, ўша пайтда ҳукуматнинг асосий мақсади Темур дахмасини илмий асосда ўрганишдан кўра кўпроқ моддий маданиятни текшириш бўлган. Улар эҳтимол, мақбарада, худди Миср фиръавнлари пирамидаларида бўлгани каби, сон–саноқсиз хазиналар сақланган, деб ўйлашгандир? Ўшанда қабрларни очишда иштирок этганлар орасида мина детекторига ўхшаш қурилмаси бўлган одам ҳам бўлгани бежиз бўлмаган. НКВД ходимлари эса бизни мақбарада нима бўлаётганини ошкор қилмасликка мажбурлашга ҳаракат қилишарди”. [6]

Дарҳақиқат, “Темур операцияси” пухта режалаштирилган тадбир эди. Мақбарада ҳеч қандай бойликлар топилмадими? Мақбара ичида тасвирга олинган киноленталар яқин кунларгача ошкор қилинмаган эди. Хайриятки, Соҳибқирон Темурнинг муборак “сўнгаларини” кўриш насиб этган сўнгги инсон Малик Қаюмов кўзи очиқлигида у билан суҳбатлашиб, тарихий фактларни видеога муҳрлашга улгуришибди. Муаллиф А.Жаровская ва режиссор А.Фетисов томонидан тайёрланган ҳужжатли видеода Самарқандда Гўр Амир мақбарасида Малик Қаюмов томонидан олинган видеотасвир оммага илк бор ҳавола қилинган.[7]

Ер юзида Буюклик ва шон–шарафнинг рамзига айланган шавкатли саркарда Темур парадокси унинг қабртошида битилган биргина жумлада намоён бўлади –“Ҳамма нарса ўткинчи, буюклик ҳам, шон–шараф ҳам...”

Шу ўринда, айтиш мумкинки, Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида Жаҳонгир Искандарнинг тобутдан чиқарилган қўллари, бўм–бўш кафтлари тасвирида Темур парадокси акс этирилгандек гўё.

Қабрларнинг очилиши(уларнинг бирида Улуғбекнинг бошсиз танаси ётарди) аслида инсониятнинг Темур парадоксини англаб етиши учун керак бўлгандир? Ахир ўша пайтда “худосиз утопия” мамлакатининг якка ҳокими бўлган Сталиннинг ҳам идеологиясида иккиланиш рўй бергани ҳақиқат–ку! Халқлар доҳийси Темур даҳосининг буюклиги олдида ўзининг нақадар ожиз банда эканлигини ҳис қилишга мажбур бўлди.

Аслида “қардош социалистик республикалар” моддий ва маънавий мулкани умумийлаштириш, халқни миллий илдизларидан йироқлаштириш сиёсатини изчил олиб борган қизил империя якка ҳокимлиги асл ниятларини яшириш учун Навоийнинг 500–йиллик юбилейини кенг нишонлаш, шу

мақсадда темурийлар даврига оид моддий ва маънавий бойликларимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ҳақидаги қарорини чиқаради. Шу муносабат билан бир йил олдин Давлат музейи Эрмитажда Ўрта Осиё халқлари санъати ва маданияти ёдгорликларининг доимий экспозицияси ташкил этилган эди. 1941 йилнинг 21 июнь куни эса “Ленинград ҳақиқати” газетаси саҳифаларида Эрмитажда “Темур ва темурийлар зали” очилганлиги ҳақидаги эълон пайдо бўлади. “Ленинград ҳақиқати”нинг бошқа сониди эса қуйидаги ихчам мақола чоп этилган эди: “Давлат Эрмижаҳида Ўрта Осиёлик машхур жаҳонгир Темур (Темурланг) ва темурийларга иккита махсус зал бағишланган. Ҳозирда Темур мақбарасида қазилш ишлари олиб борилаётган Гўр-Амир мавзолейидан келтирилган кошнлар коллекцияси айниқса диққатга сазовор... Иккинчи залдаги иккита ёдгорлик бевосита Ўрта Осиёлик истилочининг мақбараси билан боғлиқ. Биринчиси — ёғоч ўймакорли эшик, Темур мақбарасига асосий кириш йўлагининг эшиги; иккинчиси — зал ўртасида деворга илинган Гўр-Амир мавзолейига кириш эшиги тепасидаги нақш-ёзувли кошн...”

Яна Темурнинг “карсақпай ёзуви” номини олган тош ҳам Эрмитажда сақланмоқда. Умуман, Темурга тегишли бўлган буюмларнинг дунёнинг бошқа машхур музейларида ҳам сақланиши унинг шахсига бўлган қизиқиш дунё миқёсида эканлигидан далолат беради. *(масалан, Темурнинг тожини бегаган лаъл Лондонда, саркарданинг шахсий қиличи –Техрон музейида ва б.)*

1941 йилда музейда сақланаётган экспонатлар сони Эрмижаҳнинг инвентар китобларида муҳрланган қайдларга кўра, бир миллион олти юз мингтага етган, ва шулардан бири Амир Темур эшиклари эди...

“Музей залларининг оппоқ деворларида Ўрта Осиёнинг беқиёс ялтироқ кошнлари мафтункор бўёқларда товланади, сирланган сопол плиталар узра арабча дастхат жимжимадор шарқона гулбаргллар нақшига уланиб кетади, ва таҳайюлда оламшумул археологик қазилшмалар ҳамон давом этаётган олисидаги мавзолей гавдалади...”

Музейнинг силлиқ деворига фил суяги ва кумуш қадаб нақшланган ўймакор ёғоч эшик темир тутқичлар билан ўрнатилган. Бир пайтлар кекса Темур қурукшаган, захил қўллари билан бу эшикларни очиб ҳали ҳаётлигида қад кўтарган Гўр-Амир мақбарасининг сирли қоронғулиги қаърига сингиб кетарди...

— Энди бу эшик ҳеч қаерга олиб бормайди, — деди экскурсовод 1941 йилнинг 22 июнида ва соатига қаради: ўн иккидан чоракта ўтибди...

Дарҳақиқат, музей деворларига қотириб қўйилган эшик йиллар давомида ҳеч қайси томонга очилмаган ва унинг ортида ҳеч қандай йўлнинг ўзи бўлмаган. Эшик ортидаги йўлни топиш учун эса, фикримизча, ҳамма нарса ўз

ўрнига қайтарилиши лозим, ана шунда мўъжиза рўй беради. Бугун ўзининг шонли тарихини тиклаётган Самарқандга бутун дунёдан ташриф буюраётган туристлар, мутахассислар, барча қизиқувчиларга Соҳибқироннинг муборак қўллари теккан асл эшик табақалари кенг очилади, ярим дунёни мавҳ этган Темур хилхонаси томон йўлга бошлайди, мозий ҳақиқатини намоёиш этади...

Олий тоифали гид-таржимон Н.М.Андреевнинг “Тарихий очерклар”и. Самарқанд ҳақида тарихий очерклар. Гўр-Амир мавзолейи рубрикасида эътироф этилишича: “Қачонлардир мавзолейга ташриф буюрган ҳар бир кимса кириш эшиги тепасидаги бу ерда Темур дафн этилганлиги ҳақидаги ёзув ёзилган ғаройиб плитани кўриш имконига эга бўлган. Ҳозирда бу плита Эрмитажда. Фил суяги ва кумуш қадаб нақшланган ўймакор ёғоч эшикнинг бир тавақаси ҳам ўша ерда”. [8]

Алишер Эгамбердиевнинг “Амир Темур мақбарасидаги талончиликлар: ўғирланган ёдгорликлар қаерда?” номли мақоласида ҳам Темур хилхонасида қилинган талончиликлар ҳақида гумбази устига ўрнатилган соф олтиндан куйилган кубба ва бошқа темурийлар даврига тегишли осори атиқалар ҳақида маълумотлар келтирилган. [9]

С.П.Варшавский ва Б.Рестнинг “Эрмитаж жасорати” асари электрон шакли жойлаштирилган сайтда 2010 йил 27 июль куни қолдирилган комментарийга эътибор қаратамиз: “Жуда қизиққаним учун масалага ойдинлик киритмоқчи бўлдим. Эрмитажга, Шарқ бўлимига қўнғироқ қилдим. Гўр-Амир мавзолейи эшиклари аввалгидек Эрмитаж фондида. Ҳозирда кўргазма қилинмайди, захира фондда турибди; Ўрта Осиё зали таъмирлашда. Ўрта Осиё жуда қизиқарли, масалан, тарихий жиҳатдан. Бу ерда Александр, Чингиз-хон, Темур бўлганлигини билсанг, ҳаммасини бутунлай бошқача идрок этасан. Йўқса - оддий гумбазлар, мадраса-мачитлар, миноралар, кўхна шаҳар...”

Дарҳақиқат, интернетда ёзиб қолдирилган бу изоҳ кишини чуқур ўйга толдиради. Қаранг, қизиқувчан бир инсоннинг вақт топиб Эрмитажга қўнғироқ қилиши, Темур эшикларининг ҳозирда қаерда эканлигини суриштириши -бу Ватанимиз тарихига бўлган шунчаки қизиқишимиз ёки вақтни маконда муҳрлашга қодир бўлган буюк шахслар ҳаётига бефарқ эмаслигиданми? Нима бўлганда ҳам унинг мулоҳазалари ошкораликка чорлайди. Бугун Учинчи Ренессанс бўсағасида турган Янги Ўзбекистон дунёга бўй кўрсатаётган бир даврда, аждодларимиздан мерос қолган, қонунан миллатимизга, халқимизга тегишли бўлган осори атиқаларни музейларимизга, аждодларимизнинг пок руҳлари қувватлантириб турган муқаддас қадамжоларимизга қайтариш вақти келди, назаримда.

Дархақиқат, дунёнинг нуфузли музейи Эрмитажда экспонатлар қаторида турган ёки заҳира хоналарда бир буюм сифатида туриб қолган Темур эшиги ва рангдор плитаси ўрта асрларга дахлдор шарқона нақшинкор буюмлар ёки Темур даври ёдгорлиги сифатида қизиқиш уйғотиши мумкин, аммо у ерда беш юз йил аввал дунёни ларзага солган “Темир Оқсоқ, Оқсоқ Йўлбарс”, кейинчалик эса афсонага айланиб тилларда дoston бўлган енгилмас жаҳонгир нафасини, маҳобатини ҳеч қачон ҳис этолмайсиз. Буни фақат Самарқанд заминида, Соҳибқирон Темур абадий уйқуга кетган Гўр –Амир мақбарасини зиёрат қилгандагина идрок этасиз. Ишонмасангиз, бир бор ташриф буюринг, бунга ўзингиз амин бўласиз!

Эрмитажда Алишер Навоийнинг 500йиллик юбилейи

“Ўша кунларда ўзбек адабиёти асосчиси Навоий даври билан боғлиқ кўплаб ёдгорликларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ишлари шоирнинг ватани Ўзбекистонда ҳам, Нева қирғоқларида Давлат Эрмитажида ҳам бирдек кенг авж олган эди. Эрмитаждагилар вужудлари кулоқ бўлиб, Самарқанддан хабар кутмокда эдилар: Гўр-Амир мавзолейидан археологлар яна қандай қадимги ёдгорликларни топишаркин? Эрмитаж коллекциялари яна нималар билан бойийди, Алишер Навоий хотирасига бағишлаб декабрда ўтказилиши режалаштирилган юбилей кўргазмаси экспозициясига қандай янги топилмалар келтирилиши мумкин?”

ЦК ВКП(б) (олий партия органи) ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг қарорига кўра, 1941 йил феврал ойида Москва ва барча собиқ Иттифоқ республикаларида Темурийлар даврида яшаб ижод этган улуг ўзбек шоири ва мутаффакири, давлат арбоби Алишер Навоийнинг юбилейи фан ва маданият байрами сифатида кенг нишонланиши белгиланган эди. Уруш бошланганлиги муносабати билан Ўзбекистон республикаси раҳбарияти Москвага юбилей тантаналарини бир муддат кейинга, фашизм устидан ғалаба қозонгач келадиган тинч-осойишта кунларга қолдириш ҳақида мурожаатнома билан чиқади.

Дунё маданиятининг бебаҳо хазинаси жамланган Эрмитажда иш олиб бораётган Шарқ ва Ғарб халқлари маданияти тарихининг йирик мутахассислари 1941 йилнинг 10-11декабрь кунлари ўта оғир бир пайтда қамалда қолган Ленинградда Навоийнинг 500-йиллигини муносиб нишонлашга қарор қилишади. 10 январь, шаҳарда трамвайлар юриши тўхтатилган кун Эрмитажда Алишер Навоий юбилейининг биринчи тантанали йиғилиши бўлиб ўтади. Эрмитажнинг ўқув кабинетига дунёга таниқли машҳур ленинградлик олимлар, айни пайтда очлик ва совуқдан силласи қуриса-да иродаси букилмаган, фашизм жаҳолатига қарши маърифатни асраб қолиш учун жон –жаҳд билан

курашаётган фидойи инсонлар йиғиладилар. (*Ўша йилнинг ноябрь ойида бу ерда Низомий юбилеи ҳам катта тантана билан нишонланган эди*).

Академик И.А.Орбели (1887—1961), 1934—1951йиллари Давлат Эрмитажининг директори; академик С.А.Жебелев (1867 -1941), академик И.Ю.Крачковский (1883—1951), атоқли шарқшунос-арабист; профессор Е.Э.Бертельс (1890-1957), шарқшунос (эроншунос ва тюрколог); Б.Т.Руденко (1896—1942), шарқшунос-кавказшунос; Б.Б.Пиотровский (1908-1990), кейинчалик, 1964—1990йилларда Давлат Эрмитажининг директори; А.Н.Болдырев (1900—1993), шарқшунос—эроншунос; Рождественский (1895—1977), шоир ва таржимон, журналист, уруш йилларида ҳарбий корреспондент; Н.Ф.Лебедев (1901—1942), шарқшунос- тюрколог, мумтоз туркий адабиёт таржимони. (*Ўзи ҳам, хотини ҳам Эрмитаж бомбапаноҳгоҳида дистрофиядан вафот этган*); М.Н.Мох (1911 -1978), ҳайкалтарош ва чинни буюмлар бўйича мутахассис -рассом, 1941-48йилларда Эрмитаж реставратори. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин...

Қамалда қолган ленинградликлар учун ўта оғир вазиятда эвакуациядан бош тортиб, Эрмитажни асраш компаниясида қолганлар ишчи карточкасига бериладиган 250грамм ва хизматчи карточкаси учун — 125грамм сунъий нонга қаноат қилардилар. Бу ерда овқат ҳақида гапириш ман қилинган эди. Баъзида силласи қуриган ходимлар жонига оро кирадиган тансиқ таомлар— дурадгорлик елимини қайнатиб тайёрланган “илвира”, қаерлардандир топиб келтирилган музлаган картошкалардан алиф мойида қовурилган “блокада пирожкалари” эди. (*уруш арафасида Эрмитажни таъмирлашга тайёргарлик кўриляётганлиги сабабли музей омборхонасига дурадгорлик елими, алиф мойи келтирилган эди*)

Кун бўйи музейнинг совуқ залларида нарсаларни йиғиштириш, пастки қаватларга ташиш билан машғул бўлган олимлар кечки пайт ёзув столларига ўтирар эдилар. Улар совқотган қўллари билан ёзиб тугатилмаган тадқиқотларини меҳр билан варақлар, охирги кучларини тўплаб, зўр ғайрат билан ёзардилар. Черков шамлари ёниб тугар, лампа пилиги ўчиб қолар, Эрмитаж деворларидан ташқарида гоҳ яқинроқда, гоҳ узоқда снаряд портларди. Лекин ҳеч ким жойидан жилмасди.

“Илмий фаолият, —хотирлайди кейинчалик Б.Б. Пиотровский, — оғир ҳаётимизни енгиллатар эди, очлик ҳиссини енгиллашга ёрдам берарди, — “жуда совуқ, ёзиш қийин”, —деб ёзарди баъзида у варақ хошиясига. Мени 1941—1942 йилларнинг қишида Ленинградда ёзилган илмий мақолаларим тинчлик пайтларида ёзган баъзи ишларимдан кўра кўпроқ қониқтиради. Тўғриси ўша

машъум қишда ё умуман ёзмаслик, ёки ўта кучли ёзиш мумкин эди, ўртачаси бўлиши мумкин эмас эди”.

Ана шундай оғир шароитда фан ва санъатни ҳаётининг мазмунига айлантирган олимлар томонидан Навоий юбилейининг кўтаринки руҳда ўтказилиши бу катта қаҳрамонлик, зўр жасорат эди. Навоий юбилейи ҳақида Эрмитаж “Жанговар варақаси”да: “Бу — кўнгилни тинчлантириш, мавжудликдан қочиб, фан оламига узлатга чекинишнинг оддий бир кўриниши эмас эди”, — деб ёзади Б.Б.Пиотровский.

Дарҳақиқат, бу тадбир Эрмитаж тарихи китобига ёзиб қўйиш учунгина ташкил этилмаган, балки юқори савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилган, ҳатто фронт чизигидан мутахассис— иштирокчилар жалб этилган. Кейинчалик ленинградлик шоир В.А.Рождественский бу кун ҳақидаги хотираларида батальон комиссари повестка —таклифномани унга қандай топширганини эслайди. “Мана, —деди у менга қоғозни тутқазиб, бу буйруққа мувофиқ Давлат Эрмитажи ихтиёрига юбориласиз. Йигирма тўрту ноль-нолда қайта жойингизда бўлиш шарти билан. Таклифномадан бугун 10 декабрь 1941йил Эрмижада Алишер Навоийнинг 500-йиллик юбилейига бағишланган тантанали тадбир бўлишини ва мен у ерда Навоий ғазалларидан қилган таржималаримни ўқишим ҳақида билдим”.

Қамалда қолган шаҳарда очлик ҳукм сурарди, Озиб-тўзиган одамларнинг аъзойи бадани совуқдан қалтирарди. Эрмитажнинг ўқув кабинетида эса тинкаматори қуриган олимлар очлик ва совуқни унутиб, улуғ ўзбек шоирининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида илмий маърузалар ўқишар ва тинглашар эди. Шоирлар ва шарқшунос олимлар томонидан Навоий ғазаллари аслият тили — туркийда ҳам, русча таржималарда ҳам ўқилди —ёрга, инсонга, ҳаётга бўлган муҳаббат садоси инсон тафаккурининг жабр-зулм ва жаҳолат устидан ғалабасидек янгради эди...

Дарҳақиқат, Навоий ғазаллари Ленинград блокадасининг мусиқий рамзига айланган Д.Шостаковичнинг 7-симфонияси сингари Эрмитажнинг совуқ залларида очлик, ўлим кўланкасини парчалаган нурдек тараларди, кўнгилларни тинчлантирувчи Қуръон тиловатидек ёқимли эди...

Академик И.А.Орбелининг кириш сўзи ҳамда А.Н.Болдыревнинг маърузасидан кейин жанговар линиядан махсус ташриф буюрган шоир Всеволод Рождественский Навоий ғазалларидан қилган ўз таржималарини ўқиди. Витринада эса М.Н.Мох томонидан махсус юбилей учун Навоий ғазаллари асосида тайёрланган чинни бокал ва қутича кўргазма қилинди.

Уруш, қамал, Эрмижада юбилей кўргазмасини ташкил қилишнинг иложи йўқ, шундай бўлса-да рассом М.Н. Мох бомбапаноҳгоҳдан чиқиб,

иситилмайдиган совуқ хонада астойдил меҳнат қилди —чинни бокал ва кутичани Навоий шеърятига мос миниатюра ва шарқона нақш билан беади. Чинни идишларни пишириш учун ҳатто университетдан муфел печини чанада судраб келтирди. Эрмитаж яқинида Невада музлаб тўхтаб қолган “Қутб Юлдузи” сув ости ҳарбий кемалари базасидан музей подвалига кабель тортилиб, муфель печи чинни идишларни пишириш учун ишга туширилди. Шундай қилиб, нафис чинни буюмлар денгизчиларнинг ёрдами билан юбилей кунига тайёр бўлди.

Урушдан кейин, орадан йиллар ўтиб, навоийшунос Ҳамид Сулаймоновнинг буюртмаси асосида Михаил Мох муаллифлик ишини такрорлайди ва бу сафар чинни бокал ва кутича Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи учун махсус тайёрланади.

Михаил Мох билан биргаликда туркман ва форс адабиётининг билимдони Николай Лебедев ҳам 1941 йил Эрмитажга қора ишчи вазифасида ишлайдилар. Улар ғишт, тахта ташийдилар, подвал тешикларини ёпишда иштирок этадилар, бўш пайтларида эса ўзларининг асосий ишлари билан шуғулланадилар. Навоийга бағишланган йиғилишда Н.Лебедев ҳолдан тойган, дармонсизликдан зўрға ҳаракатланаётган бўлса ҳам Навоий ғазалларидан қилган таржималарини кўпроқ ўқишга ҳаракат қиларди.

Кейинчалик, Б.Б.Пиотровскийнинг эслашича, —“12 декабрь Навоийга бағишланган юбилейнинг иккинчи куни тўлиқ Лебедев таржималари таҳлиliga бағишланади. Шундан кейин у ётиб қолди ва бошқа ўрнидан тура олмади. Бомбапаноҳгоҳда, ётган жойида секин –аста жон таслим қиларкан, у келажакдаги режалари ҳақида гапирар, ўзининг шеърлари ва таржималаридан ўқир эди. Жони узилгандан кейин ҳам, гулдор туркман гиламига ўралиб ётган шоирнинг лаблари пичирлаб шеърларини ўқийтгандек эди гўё...”

Эртаси куни Эрмитажга академик Орбелининг тирик қолган устозларидан охиргиси академик С.А.Жебелев (*тадбирдан кейин кўп ўтмай - 28 декабрда оламдан ўтади*) эрталабдан ташриф буюради. Унинг кексаларбоп ботинкаси қор уюмида чуқур из қолдирди. Ўтган куни, кеча, учинчи куни ҳам у Навоийга бағишланган илмий анжуманда иштирок этади, бугун эса Иосиф Абгаровични йўқлашни ва шундай “илм –фан байрами”ни ташкил қилгани учун Эрмитажга миннатдорчилик билдиришни ўзининг бурчи деб билди. Эрмижаждаги “илм –фан байрами” нафақат илмий, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эга; Эрмижажнинг ўқув хонасидаги кичик стол атрофида чиқиш қилган ёш олимлар дунё музейининг юксак минбаридан туриб нур зулматни, шеърят зулмкорликни енгишини яна бир бор тасдиқладилар.

Устозининг ортидан кузатиб қолган академик Орбели уни охириги марта кўраётганини билмаса—да, негадир оёқларида оғирликни ҳис қилди. Уч кун Навоий юбилейи билан боғлиқ югур—югурларда эски касали ревматизм уни умуман безовта қилмагани эсига тушди. Вожаб! Беихтиёр хаёлга Навоийнинг руҳи уч кун қамал шаҳарда, Эрмитажда кезганмикан, уни эслаганларга руҳий мадад бердимикан, деган ўй келади тахайюлга...

Уч кун давомида шарқшунос —дўстлар, эрмитаж жонкуярлари Алишер Навоийга бағишланган илмий анжуманларда ўқилиши керак бўлган салмоқли қўлёзма ишларни муҳокама қилдилар, — уруш бўлмаганида бу қўлёзмалар юбилей тўпلامларига кирар, журналларнинг юбилей сонларида босилиб чиқарди. Аммо мудҳиш уруш кетаётганди...

Эрмитажнинг “Жанговар варақаси”да қисқагина “НАВОИЙ ЮБИЛЕЙИ” дея қайд этилди.

Адабиётлар рўйхати:

1. С.Варшавский, Б.Рест. Подвиг Эрмитажа. Советский художник. Л., 1969)
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
3. Герасимов М.М. Портрет Тамерлана (Опыт скульптурного воспроизведения на краниологической основе // Краткие сообщения Института истории материальной культуры. 1947. Вып. XVII. С.14-21.)
https://www.kitabhona.org.ua/lib_hist/gerasimovtamerlan.html
4. <https://kh-davron.uz/kutubxona/multimedia/malik-qayumov-xotiralarimdan.html>
5. И снова о вскрытии гробницы Тимура: Мнения и факты (С) Максим Волченков
http://www.e-samarkand.narod.ru/1941_1.htm
6. Оболенский Игорь Викторович ва кинооператор Малик Қаюмов “Темурланг дуои бади” <https://biography.wikireading.ru/205893>
7. <https://www.youtube.com/watch?v=5z23B00XRf4>
8. Раупов А. 25.12.2017. <https://alsamarkand.com/ru/mavzoley-gur-emir/>
9. Эгамбердиев А. “Амир Темур макбарасидаги талончиликлар: ўғирланган ёдгорликлар қаерда?” <https://uza.uz/uz/posts/amir-temur-ma-barasidagi-talonchiliklar-irlangan-yedgorlikla-15-07-2020>